

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Paxtasanoat Ilmiy Markazi" AJ

Объявление

"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ЭЪЛОН

«Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига

Хурматли акциядорлар!

«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ акциядорларнинг умумий йиғилиши 2023 йил 27 декабр куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ш.Руставели кўчаси, 8 уйда бўлиб ўтади.

Йиғилиш соат 15:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 14:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 14:50 да тугатилади.

Умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 21 декабр ҳолатига тузилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик йили яқунлари, стратегия ва бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисида жамият бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик балансини, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Пахтасаноат илмий маркази» АЖнинг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосаси ва ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режасини тасдиқлаш.
6. Жамият ижроия органининг раҳбарининг меҳнат шартномасини узайтириш ёки бекор қилиш.
7. Жамиятнинг 2023 йил яқунлари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларини тасдиқлаш.
9. «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш.
10. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш.

12. “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ бўш турган бино ва иншоотларини ижарага бериш масаласини кўриб чиқиш.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) ушбу эълон қилинган кундан бошлаб акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача қуйидаги манзилда бўлиши мумкин: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ш.Руставели кўчаси, 8 уй, иш кунлари Душанбадан-жумагача соат 9.00 дан 18.00 гача компаниянинг бухгалтерия бўлимида, шунингдек электрон почта орқали сўров бўйича электрон шаклда.

Барча акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи хужжат олишлари лозим. Рўйхатга олиш реестри соат 14-50 да тугатилади.

Мурожаат учун тел: (71) 207-04-03, (100,126,111)

Электрон почта манзили: info@paxtasanoatilm.uz

Кузатув Кенгаши

01.12.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16531/>

Дата: 25.06.2026